



Ўзбекистон республикаси қишлоқ ва сув
хўжалиги вазирлиги

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий ишлаб
чиқариш маркази

Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот
институтини (ЎзПИТИ)

Қурғоқчилик минтақаларда қишлоқ хўжалиги
бўйича илмий-тадқиқот ўтказиш халқаро
маркази (ИКАРДА)

**ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИДА
ПАХТАЧИЛИК ВА ҒАЛЛАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ
АСОСЛАРИ**

ХАЛҚАРО ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ МАЪРУЗАЛАРИ
АСОСИДАГИ МАҚОЛАЛАР ТУПЛАМИ



А.Тухтакузиев, Ф.Хасанова, А.Субанбаев, И.Туланов. К расчету показателя уплотняющего воздействия на почву мобильной сельскохозяйственной техники.	170
А.А.Уралов, Х.М.Махсудов. Жанубий Ҳисор тоғ ёнбағришинг эрозияга учраган тупроқлари ва уларнинг географик тарқалиши	175
И.Умбетаев. Влияние промывного орошения различными нормами и соотношениями сточных и речной вод на рост и развитие хлопчатника.	178
Е.Бердибоев, Ж.Кучкаров. Обоснование режима орошения озимой пшеницы в условиях гидроморфных почв Чирчик – Ангренской долине.	179
Р.К.Курвантаев, Ф.Р.Ризаев. Агрофизические свойства почв Хорезмского оазиса.	181
А.Г.Безбородов, С.А.Авезбаев. Приоритеты развития фермерских хозяйств	184
Б.В.Хушвактов, Р.Махмудов. Обоснование продольного расстояния между корпусами плуга общего назначения	186
Б.В.Хушвактов. Параметры глубокорыхлителя для полосной обработки почвы в хлопководстве	188
А.У.Аҳмедов, Т.Паршиев, Сирдарё вилояти Гулистон тумани «Дўстлик» деҳқон-фермер хўжалигида тарқалган янгидан сугориладиган бўз-ўтлоқ тупроқларининг кимёвий-мелноратив хоссалари	191
Х.К.Намозов. Ҳисор тоғ олди текисликлари тупроқларининг экологик ҳолати.	195
А.М.Деҳқонов, Ирригация эрозияси ва тупроқнинг сув ўтказувчанлиги	198
Д.А.Тунгушова, Л.Н.Слесарева, Е.М.Белоусов, С.О.Абдурахманов, Нетрадиционные агроруды в сельском хозяйстве	199
С.Чалдаббоев. Муттасил ғўза ва зироатлар алмашлаб экилган далаларда тупроқ унумдорлик қобилиятининг пахта ҳосилдорлигига таъсири.	201
А.А.Кучкаров, Р.Кошеков, Р.Мирхошимов. Эффективное использование орошаемых земель	203
Х.Рустамов, Х.Туреунмуродов. Тупроққа ишлов берувчи техника воситаларининг тупроқ зичлигининг ва ғўза ҳосилдорлигига таъсири	205
Е.Бердибоев, Кузги-бугдойни биноклим коэффициенти	205
Т.Каримов, Н.Нуриддинов, Б.Исаев. Ғўза ҳосилдорлигига сув режими ва кўчат қалинлигининг таъсири	208
У.К.Мухаммадиев, К.Кушбоев, Б.Мухаммадиев. Расчет потери урожая в условиях вторичного засоления почв Хорезмской области	211

II бўлим. Республика фермер хўжаликларида пахта ва галладан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехникаси

А.Авлиёкулов, Пахтачиликда деҳқончилик тизимининг баъзи хусусиятлари	214
✓ А.Авлиёкулов, А.Баталов, М.Ҳасанов, Ш.Ботиров, М.Саидумарова. Ғўзанинг ўрта толали «Бухоро-6» навини парваришлаш агротадбирлари тизими	238
Ш.Ж.Тешаев. Эртаки, сифатли ва мўл пахта ҳосили етиштириш омилли	241
Ш.Ж.Тешаев, Ф.Ж.Тешаев. Ғўзада жинстар дефоллиятининг мақбул меъёри ва муддати ҳамда ҳосилдорликка таъсири	244
Ш.Ҳ.Абдуалимов. Уруелик чигитта пирамида майдонида ишлов беришнинг ниҳоллар униб чиқиши ва пахта ҳосилига таъсири	247
Ф.М.Ҳасанова, Ш.Т.Саломов, Л.А.Мирзаев. Плёнка остида ғўза ўстиришда мақбул озиклантириш самарадорлиги.	250
Ф.Хасанова, И.Карабаев. Влияние нормы внесения минеральных удобрений и высева семян на урожайность озимой пшеницы при минимальной обработке почвы.	253
Ф.М. Хасанова, Ш.Т. Саломов. Ғўзани парваришлашнинг мақбул усули.	255
К.Тожиёв. Чигитта Вигавакс 200 ФФ билан ишлов беришни, ғўзанинг барг юзаси ва қуруқ вазнига таъсири	258
Х.Болтабоев. Ғўзанинг истиқболли “Турақўрғон-2” нави ва уни етиштириш агротехникаси	261
Ж.Б.Худойкулов. Кузги бугдой донининг сифатини ошириш-давр талабидир	262
Т.Каримов, Н.Нуриддинов, Б.Исаев. Ғўза ҳосилдорлигига сув режими ва кўчат қалинлигининг таъсири.	264
Ш.Ж.Тешаев., Ш.Азизов, О.Синдаров. Сирдарё вилояти шаронтида сугориш тартибининг дефолляция самарадорлигига таъсири	267
Ю.Эсапбеков, Д.Г.Безбородов. Влияние магнитноактивированной воды на продуктивность хлопчатника	269
Б.У.Суванов. Амударё қўйи оқимидаги гидроморф тупроқлар шаронтида ғўзани сугориш тартибининг ҳосилдорлигига таъсири	271
К.Тожиёв, Ниҳол униб чиқишига чигитни экишга тайёрлаш усуллари ва унга уруғдорилар билан ишлов беришнинг таъсири	273

Дефолиантларни қўллашга доир барча ишлар усимликларни ҳимоя қилиш булимларининг махсус тайёргарликдан утган мутахассислари раҳбарлигида, туман қишлоқ хужалик булимлари мутахассислари ҳамда вилоят станцияларининг доимий назорати, тиббиёт ходимлари кузатувида бажарилиши керак. Ишчилар-мутахассислар махсус кийимлар билан таъминланиши лозим. Пахта йиғим-теримини тез ва соз утказиш учун унга вақтида яхши тайёргарлик куриш лозим. Йиғим-терим бошланиши олдидан фермерлар, барча турдаги пахтачилик хужаликлари меҳнатга яроқли ҳар бир ишчини пахта йиғим-теримига қатнашувини йўлга қўйиш, терим машиналарининг мавсумга тайёрлигини ва мавсум давомида тулиқ, унумли ишлашини ва ҳосилни кечи билан 40-45 кунда йиғиб-териб олинишини таъминлаш чораларини куришлари керак. Пахта қабул қилиш, қуритиш, хирмонларни тайёрлаш, тош-тарози, теримчиларга зарур фартуклар ва қоплар тайёрлаш, прицеплар, тракторлар, автомобилларни таъмирлаб, терим жараёнига сафарбар этиш, йул-куприкларни тартибга солиш, бу ишлар йиғим-теримдан камида ҳафта олдин тугалланишига эришишлари зарур. Теримда иштирок этган теримчиларнинг иш ҳақи ҳар беш-ун кунда тўланиши лозим.

Ушбу утказилган махсус-лабаротория, дала, ишлаб чиқариш, лизиметрик тажрибалардаги кузатувларимиз, таҳлилларимиз, шунингдек, Ўзбекистон пахтачилик илмий-тадқиқот институти, унинг барча вилоятлардаги филиалларида ўтказилган кўп омилли дала, ишлаб чиқариш тажрибалар натижалари асоси ҳолда ёзилди.

Пахтачиликда деҳқончилик тизими (парваришlash агротадбирлари тизими)ни фермерлар, ҳар хил турдаги ер эгалари, туман, вилоят ҚСХ бошқармалари, (булим)лари, ҚСХВ.лиги мутахассислари томонидан дала, ғўза ҳолатига қараб, тўғри йўлга қўйишлари тақозо этилади. Чунки бир тупроқ-иқлим-минтақаси (шимолий, ўрта, жанубий зона) шароитларида маъқул булган ишлов бошқа шароитда зарарли бўлиб чиқиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам, ҳар бир агротадбир (агротехника) усуллари кўллаганда шароитларини ҳисобга олиб, ижобий йўл тутиш керак.

Мақолага ғўза навлари парвариши билан шуғулланувчи фермерлар, ҳар хил турдаги ер эгалари, олимлар, илмий ходимлар, шу соҳада кўп йил ишлаган тажрибали раҳбарлар, мутахассислар, деҳқону механизаторлар уни бу мақола бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришади деган умиддамиз.

УДК: 633.51:631.5

ЎЗАНИНГ ЎРТА ТОЛАЛИ «БУХОРО-6» НАВИНИ ПАРВАРИШЛАШ АГРОТАДБИРЛАРИ ТИЗИМИ

А.Авлиёқулов, А.Баталов, М.Ҳасанов, Ш. Ботиров, М.Саидумарова,
ЎзПИТИ, Тошкент

Деҳқончилигимизда йил-йилга ўшнамаслиги дала ишлари билан шуғулланувчи деҳқонга ҳам мутахассиси олимга ҳам маълум: эрта баҳордаги тез-тез ёғинлар, жала ва дўллар, ҳавонинг совиши ғўза навлари қулай муддатларда экилишини бироз орқага сурмоқда. Ҳар икки-уч йилда сув тақчиллигига дуч келишимиз, парваришlash агротадбирлари тизимининг муддатида, сифатли ўтказиш, маҳаллий (гўнг), минерал (НРК) ўғитларини муддатида, меъёри ва нисбатларда бериш, ёқилги-мойлаш маҳсулотлари (мм)ни етказиб бериш, қатор ораларини культивация (органлар сони, ҳимоя зонаси, чуқурлиги)ни; сугоришни мелиоратив минтақа-гидромодуль ҳудудлари (тупроқ типлари, ер ости сувлари сатҳи жойлашуви) бўйича ташкил этиш жараёнларидаги узилишлар, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам умумий ишимизга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти (ЎзПТИ) нинг Бухоро филиали марказий тажриба хўжалиги далаларида яратилган «Бухоро-6» нави парвартиши жараёнида қўлланиладиган агротадбирлари тизими (агротавсиялар бўйича нав муаллифи-А.Баталов) ҳамда пахтачилик соҳасида кўп йиллик тажрибасига эга бўлган, ушбу мавзунинг тайёрлаган олимлар мутахассисларнинг дала, ишлаб чиқариш, лизиметрик, кўп омилли тажрибалари давомидати кузатувлари, таҳлиллари, қиёсий таққослаш натижалари асосида тайёрланган агротавсияларга биноан 2006 хўжалик йилида нав парвартишида қайси агротадбирларга эътиборни қаратиши ҳақида батафсил тухталиб ўтмоқчимиз.

Ўзанинг ўрта толаси «Бухоро-6» нави толаси IV мансуб. 2005 йилда республикамизда 282,8 минг га майдонда экилиб, ўртача 25,6 ц/га ҳосил берган. Шу жумладан, Бухоро вилоятида 92,3 минг гектарда ўстирилиб (31,4 ц/га). Айрим фермерлар, хўжаликларда ҳосилдорлиги 34,1-42,7 ц/га етган. Вазирлар Маҳкамаси қарорига кура, 2006 йилда 270,6 минг гектар майдонга экиш мўлжалланмоқда. У Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё, Жиззах, Сирдарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси пахта далаларида экилиб келинмоқда. Бухоро-6 туза нави жаҳон бозори (Ливерпуль биржаси)да эталон-стандарт нав сифатида қабул қилинган.

Госинишум хирзутум турига мансуб «Бухоро-6» нави Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг Бухоро филиалида яратилган. 1990 йилда Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Сурхондарё вилоятлари Давлат респетрига киритилган. Амал-ўсув даври - 119-127 кун, ўсимлигининг бўйи 80-110 см, туши пирамидасимон, пояси кам ёки ўртача туқли, яшил рангли. Ҳосил шохлари 1,5-2,0 тип шохланишига мансуб. Қусаклари туҳумсимон, думалоқ-чузинчоқ учли, бир дон қусакдаги пахта вазни - 5,9-7,4 г, тола чиқинди - 35,5-36,3%, вилт билан касалланиш даражаси - 1,0-9,8%, 1000 дон чипти оғирлиги 122-123 г, тола узунлиги 1,09-1,13 дюйм ёки 35-36 мм, тола микропейри 4,2-4,6, нисбий узилтиш кучи 25,6-32,0 гк/текс, ҳосилдорлиги вилоятлар тупроқ-иқлим шароитида олиб борилган дала, ишлаб чиқариш тажрибаларида (1997-2005 йй) 35,8-51,7 ц/га ни таъкил этди.

Нав экиладиган майдонларни тавсия этилган чуқурликда сифатли шудгорлаш керак. Бунинг учун республикамизнинг саҳро-чўл минтақаси, зусуван, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий вилоятлари тақирсимон, тақир, тақир-ботқоқ, бўз, енгил, ўртача, оғир-соз механик таркибли тупроқлари октябрь ойи биринчи ўн кунлигида шудгор олдидап енгил (500-600 м³/га) сугорилиб, ер оби-тобига келгач, камиди 40 см чуқурликда (чимқирқар кичик омон-плугча-предплужник лар ўрнатилиши шарт) шудгорланиши лозим. Бунда тупроқ структураси яхшиланиб, бетона утлар камаяди.

Шудгорланган ерлар (3-4 кун ўтгач) оқара боплагач, махсус чуқурлатгичлар (углубителлар)да 50-70 см чуқурликда чизелланиди (ҳар икки йилда бир мартаба), кенг қамровли текислагичларда ер (длиннобаз механизмида) текисланади (даланинг бурчақлари бўйлаб), кейин мөлаланади ёки боронланади (тупроқ турлари ҳолатига қараб), сўнг пушта (эгат 60, 90 см) олинади: ушбу агротадбир кузда (XI-XII) барча вилоятларда ўтказилиши лозим.

Экишдан олдин енгил-ўртача механик таркибли тупроқларда экишдан дафта - ўн кун, оғир-соз тупроқлар эса 15-20 кун олдин сугорилади (кузда олиб қўйилган пушталар орқали). Сугориш енгил тупроқларда-1000-1200 м³/га, ўртача тупроқларда - 1200-1400 м³/га, оғир-соз тупроқларда -1400-1600 м³/га мейрларда ўтказилиши зарур. Сугориш оқовасиз олиб борилиши, давомийлиги 18-24 соатдан ошмаслиги керак.

Пушта (эгат)нинг юза қисми тобга келгач, экиш билан бирга (культиваторлар олдинги қанотларига махсус тайёрланган ПГС ўтиглагич

мосламалари ва бѳроналарда, орқасидан чигит экин учун сеялкалар ѳрдамида) бѳронланади, гербицид сегилади, ѳѓитланади ва 3-5 см чуқурликка (тупроқ турларига қараб) уруѓ экилади.

Бир текис ѳниб чиқишини таъминлаш учун чигитга, экиндан олдин махсус химикатлар ѳрдамида кѳсалликларга қарши ишлов берилиши, экин билан бирга бегона ѳтларга қарши гербицидларни қўллаш мақсадга мувофиќдир. Бунда, «Витавакс 200 ФФ» дан фойдаланган маъсул. Унинг сарфи метр ѳри 5,0 л/т. Бу препарат билан ишланган уруѓнинг ѳниб чиқиши тезлашиб, пухолларда илби чириш ва гоммоз билан зарарланиши камайди, амал-ѳсув даврида ривожланиши тезлашиб, пахта ѳсими ва сифати ортади. Навнинг экин метр ѳри туксизлангирилган чигитлар учун 12-14 кг/га (Кейс сеялкаларида); 25-30 кг/га, туклиси эса 40-50 кг/га. Экин 60x12x1, 60x20x1-2, 90x10x1 схемаларда ѳтказилиб, гектарига 80-100 минг туп (тупроқ турларига қараб) атрофида кўчат қолдирилиши юқори сифатли ѳсил олишни таъминлайди.

Чигит ѳниб чиќиб, қаторлар кўриниши билан олдин культивация ѳтказилиб, кейин яѓаналашга киришилади, яѓаналаш 2-3 жунда (1-2 чинбарлик даврида) томонланиши зарур. Бу, ѳсил тутунчалари тезроқ (пастки — конус ярусларда) пайдо бўлишини таъминлаш билан бирга, ѳсилнинг асосий қисмини — сентябрь овидаёќ (70-80% қусакларнинг очилиши таъминланади) териѳ олиш имконини беради.

Қатор ораларига сифатли ишлов беришни маълум кенгликда ва (химоя зоналари) чуқурликда ѳтказиш лозим. Бунда: 60 см схемада экилган майдонларда культиватор илби органлари 28-30 тадан кам бўлмаслиги, 90 см схемада экилган бўлса, камида 36-40 та ва ѳндан кўп (тупроқ турларига, сугоришдан олдин, кейин ѳтказилишига қараб) бўлишини таъминлаш (химоя зоналари 5-7; икки ѳнида 10-15 см; чуқурлиги 60 см схемада 12-14; 16-18 см; 90 см да эса 16-18; 20-22 см бўлиши), сугоришдан сўнг биринчи культивация — кенроқ, узароқ, кейингиса чуқурроқ ѳтказилиши тупроқдаги нам узокроқ сақланишини таъминлайди, кўзанинг ѳсиш, ривожланиш фазаларида сугориш орални маълум кўнларга чўзилишига, амал-ѳсув даври давомида сугориш сонлари камайишига олиб келади.

НРК минерал ѳѓитлар экин билан бирга берилиши лозим. ѳѓит бериши биринчи метр — азот-30-40 кг/га, фосфор-20 кг/га (с.х), уч-тўрт чинбар чиќқанда азот 30-50 кг/га (I); 20-30 (II); шоналашда азот —70-80, калий —50-60 (I); 40-50 (N) ва 35-50 (K), иккинчи — гуллаш фазасида азот-70-80; фосфор 20-30 кг/га (I); иккинчи метр тегишлича —50-60; 20 кг/га (с.х). Қолган фосфорли ѳѓитнинг 70%и ҳамда калий ѳѓитининг 50%и шудгор остига берилиши керак. Бунда 30 ц гача ѳсил олинган майдонларда НРК йиллик метр: 200; 140; 100 кг/га (биринчи метр), 31 центнердан юқори ѳсил олинган майдонларда НРК йиллик метр: 250; 175; 125 кг/га (иккинчи метр) кг/га (с.х). Минерал ѳѓитлар берилишининг охири муддати 30 июнь—5 июль.

Сифатли ва мўл ѳсил олиш учун енгил, ѳртача, оѓир-соз механик таркибли, ер ости сувлари сатњи жойлашуви 3,0 м дан чуқур; 2-3 м, 0,5-2,0 м гача бўлган, мелноратив минтаќа ва гидромодуль хуудлар эѓтиборда туѓилади. Шу асосда таќирсимон, таќир, ботқоќ, бўз тупроқлар шароитида ЧДНСга нисбатан 65-65-60%, 70-70-60% тартибда сугорилади. Сугориш биринчи мелноратив минтаќа-автоморф тупроқлардаги ер ости суви (с.с) сатњи 3,0 метрдан чуқур бўлган майдонларда 5-6 марта, (1-3-1, 1-4-1 схемаларда); иккинчи мелноратив минтаќа — ярям гидроморф тупроқларда (сое 2-3 м) эса 4-5 мартаба, 1-2-1, 1-3-1 тизимида, учинчи мелноратив минтаќа — гидроморф тупроқларда (сое 0,5-2,0 м гача) эса 2-3 мартаба, (сугориш схемаси 0 1 1, 1 2 0) ѳтказилади. Бунда су

метёри енгил тупроқларда: 800-1000 м³/га; ўртача тупроқларда 1000-1200 м³/га; оғир-сў тупроқларда 1200-1400 м³/га; мавсумий сугориш метёри мелиоратив мизтақа ва гидромодуль ҳудудлар бўйича тегишлича 8200; 6600 ; 2200-3400 м³/га бўлишини таъминлаш зарур. Охириги сугоришни 10-15 сентябрдан кечиктирмаслик лозим.

Сугоринг оралиғи 14-16 кундан, гидроморф, автоморф - яримгидроморф тупроқларда эса 16-18, 18-20 кундан оширилиши, 60; 90 см схимада экилган ерларда эгат узунлиги 80-100 м (60 см); 100-120 (50 см) м.дан оширилиши, эгатнинг 4/3 қисмида дастлаб ҳар эгатта кетадиган сув сарфи 0,45-0,55 (90 см) – 0,35-0,40 см (60 см) л/сек метёрдagi бўлиши, сўнгра 0,15-0,22 л/сек гана камайтириб, эгат озирига етгач, оқим сарфини эгатда 0,10-0,12 л/сек озайтириб, ўзгарувчан оқимда доимо жиддиратиб оқимини таъминлаш керак.

Вилоятлар бўйича тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб гўзада 12-14 ҳосил шохи пайдо бўлганда кимёвий усулда «Пикс» ёки «Устикс» ни –1,5 л/га илқдорда қўллаб, 14-16 ҳосил шохи пайдо бўлганда қўлда чилпиш ўтказилиши сифатли ва эртаги мўл ҳосил олиш имкониини берала; иқлим шароитларининг келишига қараб, чилпишни 20 июлдан кечикмакдан тугаллаш керак.

Гўза барглариини сунъий туқтириш – дефолиация қўлай муддатларда, яъни қусақлар 60-70% очилганда ўтказилиши ямда ҳосилини «Кейс» русумли пахта териш машиналарида бир маротада йиғиштириб олишини таъминлаш, етиштирилган ҳосил таннарни пасайишини, сарф-харажатлар камайишини таъминлайди.

Кейинги йиллардаги (1998-2005) ЎзПИТИнинг барча вилоятлардаги филиаллари далаларида ўтказилган лаборатория, дала, ишлаб чиқариш тажрибаларида тупроқ-иқлим шароитидан келиб чиқиб, «Бухоро-6» гўза нагининг кучат қалинлиги, сув-озанқа метёрлари ва сугориш тартиби ҳамда институт бўлимлари маълумотлари асосида ушбу агротадбирлар тизими ишлаб чиқилди. Уйлаймизки, у фермерлар, ҳамма турдаги хўжаликлар, туман, вилоят қишлоқ хўжалиги бошқарма (бўлим)лари мутахассислари - агрономлар, муҳандислар, гидротехник- микроблар фаолиятида қўл келади.

УДК: 633. 51: 631. 5

ЭРТАКИ, СИФАТЛИ ВА МЎЛ ПАХТА ҲОСИЛИ ЕТИШТИРИШ ОМИЛИ Ш.Ж.Тешаев, ЎзПИТИ, Ташкент

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий илоҳотлар чуқурлашиб, фермерчилик ривожланмоқда. Жўмладан, 2005 йилда республикамиз 126 минг фермер фаолият кўрсатиб, 3800 минг гектар ерда деҳқончилик қилди. Фермерларнинг 83%и пахтачилик ва галлачиликка, 7%и чорвачиликка, 10%и мена ва сабзавотчиликка ихтисослашган. 2005 йилда яъни пахта ҳосилининг 65%и, галланинг 56% и фермерлар томонидан етиштирилди. 2006 йилнинг ўтган даврида эса Вазирлар Маҳкамасининг 215 ва 255-сонли қарорларига мувофиқ 74 мингта фермер ташкил қилинди.

Фермерчиликнинг ривожланиши фермерлар малакасини ошириш, гўза ва галла экинларини парвартишлаш агротехнологияларини таъсиялар асосида жорий этиш ва хўжалик бошқарувчи усулларининг кенг тарғиб тақозо қилади. Ҳар бир фермер етиштирадиган ҳосилдан келадиган даромадни тўлиқ ҳисоб-китоб қилишни билиши ердан самарали фойдаланиши ва қишлоқ хўжалиги экинларидан сифатли, эртаки ва мўл ҳосил етиштиришга эришини учун асосий омил бўлади.